ШАРҚ БУ ШАРҚ, ФАРБ БУ ФАРБ  
ИККИСИ ҲЕЧ ҚАЧОН УЧРАШМАЙДИЛАР  
ЕР ВА ОСМОН ЎРНИДАН ЖИЛМАС  
ХУДОНИНГ ҲУКМИ БИЛАН [1]

Киплингнинг ёзишича Қиролича Императорнинг барча қўшинлари-га қараганда ҳам ғоялар кўпроқ ҳудудни эгаллаб олади ва обрўга эга бўлади. Тарих, сиёсат, иктисолидиёт ва маданиятнинг далилларига қарамай, Киплингнинг оддийлаштирилган жумласи ҳали ҳам дунёни тушунишда афзал кўрилган ёндашув бўлиб қолмоқда.

Киплингнинг сатрлари унинг бошланиши эмас. Шарқ ва Фарб бир-бираидан катта фарқ қиласи ва доимий импортни англатади. Муаммо тафовутни ечиб бўлмайдиган бўшлиқ сифатида қабул қилингандиги сабабли юзага келади: “икки нарса ҳеч қаочон учрашмайдилар”. Ушбу салбий қиймат билан шифрланган нарса қўркув, иккинчисига шубҳа, доимий ишончсизлик ва хурофтот учун асосдир. Шарқ барча мураккабликлари, “жоҳил одамлари” ва хунрезликлари билан бирга Фарбга намоён қилинмоқда.

Аммо бу заарли иккиламчи мантиқдан ўтиб кетиш вақти келди. Шарқ ва Фарб чегаралари ва ажратувчи чизиклари нафақат ўзгарди, балки хиралашиб ажралмас бўлиб қолди. Бу ерда Фарбнинг таъсири Шарқка қанча кўп бўлса, Шарқнинг Фарбга таъсири ҳам шунчча. Фарб империализмини қўзғатган ғояларни таъсири кучли ва бу Шарқ томонидан ҳам қабул қилиниб бошқарилмоқда.

Асл ҳато ва айбни қидириш – бу шубҳаланиш, ҳарбий тайёргарлик, жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш, икки томонлама меъёрлар ва инсоннинг долзарб эхтиёжларига бепарво муносабатда бўлиш орқали кучсиз муҳолифат ўйинини давом эттириш усулидир. Шарқ икки томонлама қарама-қаршиликлар ахлоқини абдийлаштиришда

иштирок этган. Ғарбни зўровонлик ҳаракатлари учун айблашнинг ўзи кифоя. Шарқ бу Шарқ ва Ғарб бу Ғарб ҳаммага хизмат қилади.

Иккиламчи қарама-қаршиликлардан ўтишга бўлган ҳар қандай уриниш Шарқ ва Ғарбдаги яхшиликларни, шунингдек иккаласидаги ёмонликни ҳам хисобга олиши керак. Айбизз ҳеч ким йўклигини тан олсакгина, барчамиз ўзимизнинг номукаммаллигимизни яшириш учун янги усусларини топишга мажбур эканлигимизни англашимиз мумкин.

Бизни қамраб олган кўплаб муаммоларнинг ҳақиқатан ҳам глобал эканлигини кўриб чиқсан, Шарқ ва Ғарбни бирлаштириш зарурати янада кучаяди. Ушбу муаммоларнинг ҳеч бирини якка давлатлар ҳал қила олмайди; ва улар сайёрадаги ҳар бир кишига таъсир қилади. Йигирма биринчи асрнинг биринчи ўн йилларлари бизнинг одатий замондан кейинги даврда яшаётганимизни аниқ кўрсатиб берди.

Шарқ ва Ғарб иккаласи ҳам одатий замондан кейинги даврга карши курашиб учун янги услубларга муҳтож. Хилма-хиллик мураккабликни англашда ҳам, ҳал қилишда ҳам муҳимдир. Тартибсизлик, шахсий ва ижтимоий жавобгарлик бизнинг умумий ҳаётимиз учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини ўргатади. Одатий замондан кейинги даврда, дунё ҳақиқатан ҳам бир неча кишининг хатти-ҳаракати билан вайрон бўлиши мумкин.

Одатий замондан кейинги давр қарама-қаршиликларнинг ўзига хос турларини биринчи ўринга олиб чиқди. Биз фақат кисман ёки етарли маълумот ёрдамида келажакни доимий ноаниқлик ҳолатида ёки умуман жаҳолатда музокара қилишимиз керак. Бу бизнинг Шарқдаги ва Ғарбдаги фарқларимизни бир четга суриб, барча иштирокчиларга teng овоз берилган музокарали мулоқот орқали зиддият ва мураккабликни бошқаришимиз кераклигини англатади. Зўравонлик йўли билан зиддиятлар бартараф этилмайди ва муаммолар ечилмайди. Камтарлик, жавобгарлик, масъулият, хилма-хиллик ва мулоқот қўшимча нарсалар эмас, ҳатто одатий замондан кейинги даврда омон қолиш учун зарурий шартдир.

Одатай замондан кейинги даврда Киплингнинг соддалаштирилган жумласи учун жой йўқ. Шарқ ва Ғарб ўзаро келишиб, ўзларининг анъаналари, тарихи ва жамиятлари орқали нотинч даврларда бизнинг ақл-идрокимиз ва инсонийлигимизга мос келадиган музокаралар йўлини таклиф қилишлари керак бўлган энг яхши имкониятлардан фойдаланишлари лозим. Бизнинг замонамизning ўта мушкул аҳволидан чиқиб кетиш учун, бошқа жавобларга умид қилишимиздан олдин бизга янги саволлар ва янги тушунчалар керак.

### **Кўлланилган адабиётлар**

1. Рудярд Киплинг, “Шарқ ва Ғарб балладаси” (1989) <http://www.bartleby.com/246/1129.html>.

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИННИГ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАРИ

*Жорди Серра*

Европа Иттифоқи (ЕИ) – ўз қарама-қаршиликларининг аксиdir. Ушбу қарама-қаршиликлар ЕИ ҳақиқатан ҳам одатий замондан кейинги даврдаги институтга айланадиганлигини кўрсатади. Қарама-қаршиликлар Европа Иттифоқининг иқтисодий сиёсати самараси бўлиб, иттифоқни шакллантирган асосий ҳаракатлантирувчи кучdir. Аммо келажакда унинг аҳамиятини сиёсий, ижтимоий ва ҳатто маданий жиҳатлари таъминлайди.

Европа Иттифоқининг ривожланиши кўплаб шартномалар асосида қурилган. 2001-йилга қадар Иттифоқ томонидан Европа Конституцияси томонга қараб катта қадам қўйилиши кераклиги аниқ эди. Мақсад турли хил қонун хужжатларини бирлаштириш ва унинг сиёсий файратини ошириш эди. Аммо ҳақиқат шундаки, бу давлатлар устидан назорат қилувчи ташкилот эмас, фақатгина давлатлар аъзо бўлган клубнинг асоси эди.

Европа конституцияси Европа Иттифоқига қарши бўлган биринчи қарама-қаршилик сифатида пайдо бўлди: у ҳалқаро ташкилот сифатида қабул қилинмайди ва кўпроқ давлатлар клубига ўхшаб кетади. Очиғини айтганда, кўпинча ЕИ қўшма сиёсат юритиш учун етарли кучга эга эмас, ва давлатлар кўпинча ўз манфаатларини химоя қилиш учун етарлича таъсир ўтказа олмайдилар. Натижада, Европага муаммоларини ҳал қилиш учун таъсирли сиёсат етишмайди деган холоса келиб чиқади.

Шунга қарамай, Европа Иттифоқи муваффакиятли ҳалқаро бошқарувига мисол бўла олди: ҳеч бўлмаганда, 2008-йилдаги инқироз келиб чиққунга қадар шундай эди. Ушбу инқирознинг ўзига хос хусусияти шундаки, у тизимли ва глобалдир. Умуман олганда, молиявий инқироз ЕИ учун ҳам қийинчилик, ҳам имкониятни келтириб чиқарди. Аммо муаммо ҳал қилинмади ва имконият ўтказиб юборилди. Европа институтлари янги қаторга келганларга тежамкорликни қа-

бул этдирдилар ва қитъа аҳолисига буни ҳеч қандай шубҳасиз қабул қилишга мажбур эканликларини айтдилар.

Ажабланарлиси шундаки, бюджетни кескин қисқартириш Европа дизайнидаги чекловларни хисобга олган ҳолда энг изчил ечимга ўхшайди. Евро 1995-йилда белгиланган, 1999-йилда муомалага киритилган ва 2002-йилда муомаладаги тангалар ва банкноталарга айлантирилган. Бу интеграциянинг янада юқори даражасига эришиши ва Иттифоқни кучландириш учун умумий валюта қабул қилинишга сиёсий туртки бўлди; шунингдек, сиёсий ироданинг етишмаслиги метафора бўлиб қолди. Евро қўшма иқтисодий сиёсат юритиш учун етарли эмас эди ва қўшма сиёсатсиз ҳам муомалада бўла олмайди.

Шундай қилиб, Евро иккита кучли заифликдан азият чекмоқда. Биринчидан, чукур иқтисодий шароитлар ва динамикага эга давлатлар учун умумий валютани белгилайди. Иккинчидан, уни бошқариш давлат назоратидан мутлако мустақил бўлган Европа Марказий Банки (ЕМБ) томонидан бошқарилади. ЕМБ факатгина бошқа банклар ўз миллий давлатларига ёрдам бериш умидида Европанинг хусусий банкларига арzon пул таклиф қила олди. Охир оқибат, тежамкорлик бюджетни қисқартириш учун ҳақиқий иқтисодий далилдан кўра кўпроқ шубҳали маънавий асосни таъминлашга уриниш каби кўринди.

Тежамкорлик иккинчи қарама-қаршиликнинг пайдо бўлишига олиб келди: капитал одамлардан олдин юряпти. Европа Иттифоқи молиявий тузумларнинг ишлашини таъминлаш дастурига миллионлаб долларларни жалб қилди, аммо уларнинг жуда оз қисми қийинчиликларга дуч келган бизнесларга ёки ипотека тўлами бор шахсларга ёрдам бермоқда. Шунга қарамай, ушбу молиялаштириш манбаи давлат маблағи, фуқароларнинг солиқлари ва охир оқибатда Уюшма аъзоларининг чўнтагидан келадиган пул эканлигини унутмайлик. Мантиқ, банкларнинг инқирози тизимли таъсир кўрсатар, таназзулни ва унинг оқибатларини кучайтиради.

Европа Иттифоқининг молиявий инқирозга қарши курашиш ҳаракатларининг якуний маҳсули унинг чегараларида чукур қарама-қар-

шиликларни келтириб чиқарди. Хозирги пайтда Иттифоқ ичида фуқаролар ўртасида бўлиниш мавжуд; бу кутқарилган мамлакатларнинг фуқаролари ва кутқарилаётган мамлакатлар фуқаролари ўртасидадир. Ҳар бир мамлакат ичидағи ҳақиқий бўлиниш фаровон ва ёмон яшаётганлар ўртасидадир. Борган сари Европаликлар фарзандлари ва набиралари ҳеч қачон улар эга бўлган фаровонликка эриша олмайдилар деган тушунчага келишмоқдалар. Глобал миқиёсда кўрсатилган бу ёрдам Европиттифоқнинг тузуми қанчалик мўрт эканлигини аниклади. Аммо, Иттифоқ ичида Европиттифоқ демократик қонунийликка нисбатан иқтисодий барқарорликни қўллаб-қувватлайди деган фикрни кучайтириди.

Европа Иттифоқи трансанденциал қарор қабул қилиши керак. Унинг мақсади ўз фуқароларини бирлаштириш, Европа давлатлари ўртасида одамлар ва ишчилар оқимини тарғиб қилиш, Европа халқларини яқинлаштириш, уларнинг интеллектуал ва маданий тарихларини нишонлашми ёки банкирлар ва молиявий институтларни бойитишдан иборатми? Ҳеч бўлмаганда, Европа ҳамжамияти бу:

- Бозорми?
- Пул бирлигими?
- Давлатнинг қурилиши тугалланмаган лойиҳасими?
- Юқоридагиларнинг барчасими? деган саволларни бериши керак

Европа Иттифоқининг келажаги ва унинг одатий замондан кейинги даврдаги аҳамияти берилган жавобга боғликдир. Мен ЕИни иқтисодий ўлчамлари билан чеклаш ёки иқтисодий мантиқнинг ишлашига киришишни катта хато, деб ўйлайман. Европа ҳар доим ҳудудлар, халқлар, маданиятлар ва ҳар хил келишувларга тўсиқ бўлган; у ҳеч қачон уйғунликда ишламаган ва ҳар қандай йўналишлар бўйича уни бир ҳил орага келтирган бирлик деб хисоблаш қийин. Лекин у иқтисодий бирлик сифатида ишлашга мажбур бўлса ҳам, иқтисодий хусусиятлар ЕИнинг асл моҳиятини акс эттиrmайди. Уйғунлашган бирлашма сифатида унинг ҳақиқий муваффақияти бошқа жойларда ҳам мавжуддир.

Хусусан, иккита мисол ёдга олинади: ҳукуқларни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Агар биз “Ҳамжамият меъёрий ҳукукий базаси” деб номланувчи Европа Иттифоқининг меъёрий корпусини кўриб чиқсан, у дунёдаги энг демократик минтақани белгилаб берадиган ажойиб ҳукуқлар комплекси эканлигини тан олишимиз мумкин. Европа Иттифоқи атроф-муҳит масалалари бўйича энг илғор қонун хужжатларидан бирини ишлаб чиқди. Европа комиссиясининг соғлиқни сақлаш, таълим, гендер тенглиги, меҳнат шароитлари ва озчиликларнинг ҳукуқлари каби мавзулар бўйича ҳисоботлари бир қатор давлатларни Европа Иттифоқи тамойилларига мувофиқ ра-вишда ўз қонунларини олдинга силжитишга мажбур қилди.

Мен Евроиттифоқ фуқароларининг аксаияти энди бурилиш даври келганини тушунишганига ишонаман. Бунга илк мисол 2014-йилда Европада бўлиб ўтган сайловлардир. Ўнг қанот партиялар ўсиб борар экан, парламент ўз тарихида илк маротаба Европага қарши вакилларнинг энг кўп фоизига эга бўлди. Ўнг томон (ва ўнг қанот) партияларнинг ечими ЕИга камроқ, ва бошқалар учун ягона мантиқий муқобил аксинча: ЕИга кўпроқ берилди.

Шунга қарамай, воқеалар иккала томон ҳам тўғри ва нотўғри эканлигини исботлади. Сурия ва бошка мамлакатлардан келган миллионлаб қочқинлар Европага кела бошладилар. Бошида уларни очиқласига рад этдилар. Аммо ракамлар ошгани сайин эътиrozлар ҳам ўсиб борди. Ушбу гуманитар инқирозни бошқариш шу пайтгача кўплаб европаликлар учун уятли иш бўлиб келган. Ҳозирги кунда жуда оз одамлар ЕИ уларнинг манфаатларини ёки эҳтиёжларини қондира олишига ишонишади; ва ажабланарлиси шундаки, кўпчилик улар учун Иттифоқда ҳеч нарса йўқ деб ўйлашади.

Танлов энди ЕИни маданиятли ва маҳобатли якунга олиб келиш ёки унинг зиддиятларини бартараф этиб, тушуниш ва кутиш билан одатдан кейинги замондан ўтказишда эди. Биринчидан, доимий бир-бирига боғлиқ, мураккаб ва хаотик дунёда минтақавий ўлчамнинг аҳамияти ҳакида одамларнинг хабардорлигини ошириш керак. Иккинчидан, Европа Иттифоқи одатий замондан кейинги даврга мос келадиган, унинг бутун халқининг иқтисодий фаровонлиги ва

бошқарув тузилишини ҳисобга олган янги дизайнга муҳтоҷ. Учин-чидан, Европа Иттифоқи янги раҳбариятга жуда муҳтоҷдир. Келажакда омон қолиш учун ЕИ одатий замондан кейинги даврларни бошқаришга қодир янги этик раҳбарларга муҳтоҷ.

## ФИЛЬМЛАРДАГИ ОДАТИЙ ЗАМОНДАН КЕЙИНГИ АМЕРИКА

*C. Скотт Жордан*

Асосий ўзгариш вақтида Америка киноси Бошқаларни ўзига нисбатан баҳо бериш учун фойдаланган. Урушдан олдинги классиклар афроамерикаликларнинг характерларидан фойдаланганлар. Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги кино коммунизм мавзуси томонига бурилди. Шарқшунослик тасвирлари, “араб террорчиси” мавзуси кинода ҳавф туғдуривчи омил бўлмасдан олдин 1960-1970-йилларда машхур эди [1]. Сўнгти ўн йил ичидаги бир оз силжиш юз берди: энди бошқа қўрқувлар бизнинг замонамиз қўркувига алмаштирилди: иклиз ўзгариши қўрқуви [2]; молиявий инқироз ҳақидаги ваҳима; Интернетдаги ҳавфлар; автоматлаштириш, сунъий интеллект ва клонлаштириш ҳақида мавзулар ёритила бошлади. Ушбу замон руҳини акс этганини хисобга олсанак, замонавий фильм ҳозирги пайтда одатий замондан кейинги даврни бошдан кечираётгани ажабланарли эмас.

Мен одатий замондан кейинги Американи акс эттирадиган иккита фильмни муҳокама қилмоқчиман, булар: Клинт Иствуднинг Америка Снайпери (2014) ва Александро Гонзалес Инъяриттунинг “Ревенант” (2015) фильмлари. Афтидан, улар одатий замондан кейинги даврга бир оз ёки умуман алоқаси йўқ. Аммо биз бу фильмлarda Американинг қўрқуви, жоҳиллик жиҳатлари ва унинг ноаникликларни идрок этишига аҳамият берадиган метафораларни кўра оламиз.

Америкалик Снайпер денгиз мушуги Крис Кайл ҳикоясини баён қиласди – у одам ўлдириш билан машхур эди. Американинг қаҳрамони. Клинт Эствуднинг ушбу фильмни фожиали Американи кўрсатади ва унинг ҳикоясини одатий замондан кейинги Америка учун кутилмаган метафорага айланди. Фильмнинг аксарият қисмida сизда Американинг урушдан кейинги 9\11 прототипик дистопия мавзуси-ҳақида тушунча пайдо бўлади. Хулоса қилиб айтганда, Кайл,

ҳеч бўлмаганда, АҚШнинг яхши томонини кўрсатадиган метафора бўлиб қолади.

Кўшма Штатлар дунёга хукмронлик қилганидан бери пайдо бўлган метафора, тингловчиларга келажакдаги йўналиш траекториясини танлаш имкониятини берди. Кайл Техасни яхши қўради, қуролни яхши қўради ва ковбой бўлишни истайди. Энг муҳими, у классик американлик, суддан олдинги адолат туйғусига эга. Амалдаги метафора радикал реалист Америка психикасида мавжуд бўлган сонсаноқсиз бўш метафораларга ўхшайди. Фильмда Кайл, АҚШнинг Кениядаги элчиҳонасини портлагани ҳақидаги хабарни томоша қиласкан, гўё у ўзининг кичик укасини бир безорининг босқини остида кўраётгандай бўлди. Фундаменталистик индивидуалликка шунчалик мойил бўлган жамият, бехосдан уларга фақат “Америка” сўзи билан боғлиқ бўлганидагина бошқаларга нисбатан ҳамдардликни ҳис эта бошлайди.

Янгиликлар шарҳи янги душманга нисбатан тартибсиз қўркув ва чуқур ноаниқликни келтириб чиқаради, шунда 9/11 тушунчаси пайдо бўлади. Коммунист, Япон, Алмон, ажralиб турадиган хусусиятлари билан осонгина карикатура сифатида берилган, аммо бу аста-секинлик билан йўқ бўлиб бормоқда. Душман – соя каби, деярли ғайриинсоний. Шундай қилиб, Америка ҳам ўз инсонийлигини йўқотиши керак. Биз Кайлнинг СЕАЛ бўйича машғулотларини томоша қиласмиз, бу инсониятнинг ўзига хос чизиги бўлиши мумкин, аммо бунинг ўрнига машқ машғулоти онлайн қўлланма сифатида қўлланиммоқда. Шу тариқа ҳақиқат қарор топади.

Кайлда буларнинг барчаси мужассам эди, мукаммал аёл, кутилаётган фарзанд, Америка орзузи, аммо биз ўқ отиш ўйинини ёки қофозни нишон қилиш, тирик одамларни ўлдириш учун етарли эмаслигини тушуниб борамиз. Америка дунёнинг эҳтиёжларига қалқон бўлиш учун дунёни юкоридан кузатади. “Қаҳрамон” тушунчаси футбол тўпи каби майдонга туширилади, олдига ва орқага тепилади, томошабинлар назарига тушади. Крис Кайл бизнинг қаҳрамонимиз. Унинг қадриятларида аниқ кўрсатилган барча қарама-қаршиликлар Кайлни одатий замондан кейинги даврнинг чуқур ноаниқлигига

олиб келади. Натижада – ўзини ўзи ажратиб турадиган, эртакдаги қаҳрамон пайдо бўлди, томошабинлар уни ҳам қўллаб ҳамда муваффақиятсизликка учрашидан умидвор бўлишди.

Аммо дунё энди олдингидай эмас. Одатий замондан кейинги давр қаҳрамони бунга қодир эмас, шунчаки ёмон одамни мағлуб қилиб ёки бомбани заарсизлантириш етарли эмас. Одатий замондан кейинги давр қаҳрамони – бу энг аввало ҳамма нарсани йўлга солади. Одатий замондан кейинги давр қаҳрамони бизнинг эски тушунчаларимизни қабул қилиб, уларни синовдан ўtkазади ва биз ўзимизни қайта тарбиялашимизни ёки ҳақиқий душман – ўзимиз эканлигимизни кўришни талаб қиласди.

Ушбу қаҳрамонларнинг биринчиси фожиали қаҳрамонларга айланиши шубҳасизdir, чунки одатий замондан кейинги даврни билмаслик ҳалокатли синов бўлади. Баъзилар атрофимиздаги мураккаблик ва қарама-қаршиликларни қабул қилишади, бошқалари ундан ошиб кетишни кутишади, бошқалар эса улар томонидан ўлдирилади. Ушбу белгилар атрофдаги ноаниқлик туфайли йўқ қилиб юборилади; ва уларнинг имкониятлари ўзларининг жоҳилликларини қандай ҳал қилишлари билан чекланади.

Шубҳасиз, фильм одатий замондан кейинги даврда Американинг асосий муаммолари, ички қарама-қаршиликлари ва жоҳиллигини тасвирлайди. Мен Америкада яшайман, у ерда одамларга қараганда кўпроқ курол бор, кампусда отишма одатий ҳол, ҳамда урушни экспорт қилиш ташқи сиёсатдир. Америкалик Снайпер – бизни зўравонликка ундейдиган бизнинг онгимизни ярмини акс эттирувчи кўзгудир.

Одатий замондан кейинги давр шиддатли ва ноқулай. Американинг одатий замондан кейинги давр билан қандай келишиб олишига ишора сифатида Инъяриттунинг “Ревенант” фильмни келтирилган. Инъяритту бизга ушбу оғир вақтларни бошқаришдаги уринишларини кўрсатган.

Навигацияни созлаш учун фильм ҳаётнинг асосий элементи бўлган сувдан бошланади. Ундан дараҳтлар, ер ва иккита одам кўринади. Ота ва ўғил. Гласс ва Ҳаук. Бу ерга таалукли бўлмаган бир нарса бор, уларнинг қуроллари. БАНГ! Файритабиий товушлар билан саёҳатимиз бошланади.

Яқин атрофда табиат қўйнида яшайдиган эркаклар қароргоҳини кўрамиз. Эрталабки ҳаракатлар отишмадан кейин тўхтаб қолди. Жон Фитсжералд капитан Эндрю Генрига, файриоддий овоз келаётганини билдиради. Даҳшатли нарсалари ҳар ерда яширинган. Бу хикоя аслида оталарга одатий замондан кейинги давр учун қўлланма бўлиб ҳисобланади. Гласснинг ота сифатида роли қизиқарли чиққан. Оддий метафора шундаки, Гласс, Американинг нотўғри сиёсий нуқтаи назари сингари, парчаланган дунёни ривожланиш томонга караб етаклайди. Гласс туннел охиридаги ёруғликни кўра олмайди. У шунчаки яқин атрофдаги истеҳкомга киришга ҳаракат қилмоқда. У, бу оқ танлилар гурухининг отаси бўлишга мажбур, чунки уларни Арикара қабиласининг хужумидан фақат у кутқара олади. Бу миссиянинг муваффақиятсизликка учраш эҳтимоли катта ва у қальбага етиб борган тақдирда ҳам нима бўлиши аниқ эмас?

Фитсжералд ҳам худди унинг сингари ота. Келинг, уни жоҳиллик отаси ва одатий замондан кейинги даврнинг ортта қолиши деб атаймиз. Фитсжералд ёш Бриджерни ўз ўғли сифатида қабул қиласди ва уни асрлар охирида аста-секин парчаланадиган эски парадигмалар билан бузади. Унинг фалсафаси: ҳар ким ўзи учун, азоб-укубатлар мутлақо кераксиз, ёлғон эса асослидир. Буларнинг ҳаммаси ноаниклик олдидা ҳеч нарса.

Капитан Генри сохта отадир. Бу худди биз хукуматдан ва унга аъзо турли ташкилотлар кутаётганимиз каби. Фожиа шундан иборатки, иккиси ҳам тартибсизликларнинг ҳалокатли тақдирни ва мұқаррар қарама-қаршиликларга дучор бўлган ҳолда мутахассислар ва жамоатчилик фикрининг устидадир. Генри ўз болаларини, одамларини кутқара олмайди. Арикара бошлиғи капитан Генри учун ўзига хос антитетис. У ва унинг қабиласи қизини топишга ҳаракат қиласди.

У ўз шахсига содик қолади, лекин у оқ танлиларнинг қуролларнинг кўлланишни ва уларнинг тилларини ўрганади. Унинг жаҳолатга карши қурашиши эртанги куннинг ноаниқлигига дуч келиши мумкин бўлган барча сохта оталар учун салоҳият беради. Ушбу фильм турли хил оталик услублари ҳақида ҳикоя қиласиди ва одатий замондан кейинги даврда бизга қизиқарли тажриба беради. Ушбу яқинлашув қарама-қаршилик билан амалга оширилди, энг кўзга ташланадиган нарса Гласс – Гризли отаси каби ёки бу вазиятда онаси.

Менинг отамнинг айиқларга бўлган муносабатига унинг Совуқ Уруш маҳалидаги ҳаёти таъсир қилди. Советчилар. Қизиллар. Менинг ҳаётимда эса айиқлар мультфильмлардан бошланиб табиатнинг кучли символига айланди. Мен Винни Пух, Йога айиқ ва Балу билан бирга улғайдим. Кейин Вернер Гертсогнинг Гризли Мен (2005) фильмни ишлаб чиқилди. Ушбу хужжатли фильм табиатни асрраб-авайлаш ва унинг гўзаллигини ҳурмат қилиш руҳини ўйғотди, аммо бизга қимматли сабоқ ҳам берди. Табиат ёввойи ва унинг атрофида юрадиганлар унинг қоидаларига бўйсунадилар. Айиқ – Америка ўрмонининг қироли. Хўш, нега бу нарса Инъяриттунинг фильмидаги табият отаси руҳи қиёфасида берилмади?

Ушбу фильмнинг фожиаси шундаки, можаро оталар орасида. Отагуфил сайлда бўлгани каби, ушбу танловда голиб бўлиш кимнинг кўпроқ севишига боғлиқ эмас, туғма оталик довюраклигига ёки романтик оталик ришталари туйғуларига ҳам боғлиқ эмас. Гласс, Фитсжералд, Генрих, Арикара бошчиси ва Айиқ бу ҳикоянинг қаҳрамонлариидир. Ушбу характерлар факатгина уларнинг барчаси жоҳиллик ва ноаник келажакка яқинлашиши туфайли бирлашади. Фильмнинг сўнгги кадрларидан бирида биз тундра манзараси орқали оқаётган сув кўриниши, аммо шу онда катта қон доғи сувнинг қирғонини гўзаллигини бузганини кўрамиз. Шамол, сув ва ёқсан қор уни фильм бошланишидаги гўзаликка қайтариши мумкин. Булар одатий замондан кейинги даврнинг ютуқлариидир. Ҳақиқат шунчаки эмпирик эмас, аммо иккинчи даражали акс эттиришни талаб қиласиди. Жоҳилият нафаси табиат шамолига таслим бўлади. Қандай қилиб Америка одатий замондан кейинги даврда яшай олади?

### **Кўлланилган адабиётлар**

1. Метю Берштейн ва Гайлин Студлар (Едс.), Шарқнинг кўз қараплари: Фильмдаги шарқшунослик (Лондон: И. Б. Таурис); ва Зиёуддин Сардар, Шарқшунослик. (Букингем: Очиқ университетлар матбуоти) 1999.
2. Ани Каплан, Иқлим Изтироби: Дистопия фильмидаги бадиий адабиётида келажакни башорат қилиш. (Рутгерс университети матбуоти, 2015)
3. Тревор Уитток, Метафора ва Фильм. (Кембриж университети матбуоти, 1990)

## ОДАТИЙ ЗАМОНДАН КЕЙИНГИ БОШҚАРУВ

*Жорди Серра*

Замонавийлик ўрта асрларнинг урф-одатлари ва тузилмаларига мос келадиган янги қонуний манбаига муҳтож бўлган ҳокимиятнинг янги турига жавоб сифатида пайдо бўлди. Аммо ягона куч манбай бўлиши кутилган яхлит дунёнинг бу тахминлари энди кўп қутбли ва турли хил маданиятларга эга дунёда керак эмас. Замонавийлик инқизоз ҳолатида; ва унинг давоми замонавийлиқдан кейин шунчаки “Ғарб маданиятининг янги империализми” бўлиб чиқди [1].

Бошқаришнинг анъанавий усуллари эскирмоқда; жамият бутунлай саросима ичида. Натижада, кўпчилик сиёсатга бўлган барча қизиқиши йўқотди. Ҳозирги замон руҳи нима юз бераётганини тушунишга қодир эмаслигимиздан келиб чиқадиган ноаниқлик ва хавотир ўртасидаги аралашувдир. Ҳакиқат ва фактлар ўз аҳамиятини йўқотади. Популизм одатий замондан кейинги даврнинг табиий натижасидир. Сиёсий тараққиёт биз шунчаки бардош бера олмайдиган тезлиқда пайдо бўлмоқда ва кўпаймоқда.

Украина мисолини кўриб чиқайлик. Ҳаммаси Киевда ҳукуматга қарши намойишлар билан бошланди. Президент Виктор Янукович ҳукумати ҳақиқатан ҳам бузилган, аммо у демократик йўл билан сайланган. Унинг асосий жинояти шундаки, у Украинани Россия билан бирлаштироқчи бўлди. Ғарбнинг фикри кўра эса Украина НАТОга қўшилиши керак эди. Кўп ўтмай Киевдаги қуролли намойишчилар ҳукумат биноларини эгаллаб олишди ва ҳукуматни ҳамда конституцияни ўзгаришни талаб қилишди. Парламент Януковични ҳокимиятдан четлатишга овоз берганида, у Россияга қочиб кетди; ва порахўрликда айбланган собиқ Бош вазир Юлия Тимошенко намойишчиларга мурожаат қилиш учун қамоқдан чиқарилди.

Ўн йил ёки ундан олдин, эҳтимол бу иш якун топган бўлиши мумкин эди. Ғарб кучлари бошқа кўплаб жойларда қилгани каби, Украинада ҳам ўзлари танлаган ҳукуматни ўрнатган бўлардилар. Аммо ҳокимиятнинг анъанавий тақсимланиши ва манфаатлар

иерархиясининг умумлаштирилиши қабул қилинмади. Ҳақиқатдан ҳам ҳокимият ўзгардими ёки йўқми англаб етиш қийин.

Украина ишидаги мураккаблик ва юзага келган қарама-қаршиликларга эътибор беринг. Бу нафақат рақобатдош икки кучнинг манфаатларига боғлиқдир, Украинада 120 хил миллий озчиликлар мавжуд, ҳамда уларнинг ҳар бири ўзининг оқилона ва асоссиз талабларига эга. Қарама-қаршиликлар кундай равshan эди. Ғарб манфаатлари биринчи даражали бўлиб, Россия манфаатларига эса аҳамият берилмади. Демократик йўл билан сайланган президентнинг ўрнини мутлақо конституцияга ва демократияга зид тарзда эгаллаб олишди. Киевдаги оломоннинг демократик талаблари қонуний деб топилди; аммо референдум ўtkазилган Крим ярим оролида яшовчи ҳалқларнинг демократик талаблари “ноконуний” деб топилди. Киевдаги янги ҳукуматнинг ажралмас кисми бўлган фашистлар яхши; аммо бошқа фашистлари ирқчи ваҳший деб топилдилар.

Агар сиз одатий замондан кейинги даврда сенсорли қофозни ёкиб юборсангиз, ўзингизни ва мўлжалдаги мақсадингизни ҳам бирга ёқкан бўласиз. Буни Миср мисолида яхши қўриш мумкин. Морси ҳукуматига қарши дастлабки намойишлар Фейсбуқдан бошланди ва тезда ҳокимиятни ағдаришга олиб келган тартибсиз ҳодисага айланди. Миср ҳарбийлари тартибсизликлардан фойдаландилар ва секуляристларни қўлландилар. Якуний маҳсулот: қонуний, демократик йўл билан сайланган ҳукумат, диктаторлик режим ва ҳарбий бошқарув билан алмаштирилди. “Инқилоб” инқилоб эмас эди. Секуляристлар Мисрда демократия ўрнатишдан узоқда эдилар ва уни ҳарбий тузумдаги давлатга айлантиришга муваффақ бўлдилар.

Испаниянинг одатий замондан кейинги ҳолатини кўриб чиқинг. Кўчмас мулк бизнесидаги олтин даврдан кейин уй-жой секторининг навбатдаги портлаши хаотик портлаш сифатида юз берди. Испания Евropa Иттифоқидан ўзининг банк тизимини соғломлаштириш учун ёрдам сўраб мурожаат қилди. Испания бюджетининг кескин қисқаришига ва баъзи тузилиш ислоҳотларига дуч келди, натижада Испаниянинг ижтимоий ҳавфсизлик тизими кескин пасайиб кетди. Испанияда ишсизлик даражаси 20% дан ошиб кетди, бу даврда ка-

мида беш миллион ишсизлар пайдо бўлди. Бир неча йиллар давомида Испания сиёсати тўрт томонлама танглик туфайли ривожланишдан тўхтаб қолди.

Резолюция Испанияни васий хукумат билан статус-квога олиб келди. Аҳоли фақат жамият харажатларига фойда олиш билан қизиқди. Сайловда Ройнинг консерватив хукумати ғалаба қозонди. Консерватив хукумат, ўзининг айтганларига зид равишда иш тутди: улар соликларни озайтириш ўрнига уларни оширди, ишсизлик камайиш ўрнига кўпайди. Аммо унинг асосий муаммоси иқтисодиёт эмас, балки Каталония муаммосиди эди. Каталония Испаниядан ажралиб, мустақил давлат бўлиш истагини билдири.

Хўш, Испаниянинг Консерватив, амалдаги ва собик хукумати ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун нима қилди?

Биринчидан, у католик черковига бир нечта ижтимоий масалаларни ечишда обрўли ўринларни берди. Иккинчидан, у кўплаб демократик хукуқларни олиб ташлади ёки шунчаки бекор қилди. Намойиш қилиш хукуқи “Гаг қонуни” томонидан чекланди. Бу стратегия кўча митинглари ва намойишларни маъмурий хукуқбузарликларга айлантиришдан иборат эди [2]. Учинчидан, сиёsat шуни кўрсатдики, Испания ипотека кредитлари ҳақиқатан ҳам ипотека кредитлари эмас; улар исьемол кредитлари эди. (турар жой кафолати билан) Бу ҳолда, мулкни йўқотиш, агар сотиш қиймати кредитнинг умумий миқдорини қопласа, кредитнинг муддати тугашига олиб келади, акс ҳолда олдинги эгалари қарз олган пулнинг қолган қисмини ҳам тўлаб қолишиди. 2015-йилга қадар, ҳисоб-китобларга кўра, 100 000 оилани уйларидан хайдаб чиқаришган. Ҳақиқий фожиа шундаки, бу одамларнинг аксарияти ишсиз ва ҳанузгача банкларга катта миқдорда қарздор.

Сиёsat одатий тўғридан-тўғри чизиқли сабабнинг таъсири асосида амалга оширилади. Ҳозирги кунда ҳодисалар, кўплаб сабаб омиллари бир-бирига боғланган мураккаб тармоқнинг натижасидир; бундай ҳолларда, битта элементнинг қилган ҳаракати нафақат бефойда, балки кўпинча ҳавфли ҳисобланади. Одатий замондан кейинги

даврда маънога эга бўлиши учун сиёсат квант сакрашини амалга ошириши керак.

Биз одатий замондан кейинги даврда ҳаётий сиёсатни қандай шакллантиришни аниқ билмаймиз. Аммо бизни бошқарадиган учта асосий тамойиллар мавжуд. Биринчидан, биз ҳеч ким назорат қиласлигини тан олишимиз керак. Шундай қилиб, сиёсатни ишлаб чиқиши тури хил истиқболларни ва рақобатдош, ҳатто қарама-қарши бўлган манфаатларни ҳисобга олиши ва жалб қилиши керак. Иккинчидан, мураккаб шароитда бошқарувчи механизмнинг ўзи ҳар тарафли бўлиши кераклигини тушунишимиз керак. Кўпчилик ва хилма-хиллик демократияларнинг барқарорлиги учун бошқарувнинг марказида бўлиши шарт. Учинчидан, ўз номига муносиб бўлган сиёсат ижобий фикрлар таъсирини ҳисобга олиши керак. Кўп сонли кутилмаган оқибатларга қандай қарши турамиз? Хаотик тартибсизликларни қандай муҳокама қиласиз? Бирор сиёсат натижасини таҳмин қила олмасак ҳам, унинг оқибатлари ҳақида баъзи маълумотларга эга бўлишимиз керак.

Одатий замондан кейинги ҳолатнинг қийинчиликларига жавобан Одатий замондан кейинги давр динамикасини тушуниш ҳамда шунга мувофиқ ҳаракат қилиш керакдир.

### **Кўлланилган адабиётлар**

1. Зиёуддин Сардар, Замонавийлиқдан кейинги ҳолат ва бошқалар. (Лондон: Плутон, 1998)
2. Ашифа Кассам, “Журналистлар Испаниянинг Сўз эркинлиги бузаттган хавфсизлик конунига карши Овропа судида курашмокда”, Гардиан, Декабр 15, 2015, октябр 3, 2016. <https://www.theguardian.com/world/ /dec/ /journaliststake-fight-against-spanish-gag-law-to-european-court>

## ОДАТИЙ ЗАМОНДАН КЕЙИНГИ ДАВРДАГИ ЯПОНИЯ

*Ском Жордан*

Японияга “одатий” деган тушунча түғри келмайды. Япония ўнлаб йиллар давомида ички тартибсизликлар, ноаниқлик ва қарама-қаршиликлар билан курашиб келади. Япониянинг сиёсати одатий замондан кейинги даврни шошилинч равища кабул қилиб, анъаналарни йўқ қилиш эмас, балки унинг классик элементларини жамиятга мунтазам равища киргизиш эди. Япония сиёсати ва хатти-харакатларининг экстраполяцияси мамлакатнинг одатий замондан кейинги даврда ўзини қандай бошқарганлигини кўрсатади.

Ушбу навигация тизими қандай ишлаб чиқилганлиги, ўзгариш концепциясини тушунишга ёрдам беради. Илгари, ўзгариш давлатларнинг назорат ва тартибни сақлаш борасидаги саъй-харакатларини дикқат билан кузатиб борган тушунча эди. Ҳозирги кунда миллий шиори бўлмаган Япония Республикаси, одатий замондан кейинги даврнинг МБҚҚни карши олди: мураккабликлар, бетартибликлар ва қарама-қаршиликлар янги эртанги кун учун олинган мухим қадамлардир.

Нима учун Япония одатий замондан кейинги давр учун энг яхши таёргланганлигини тушуниш учун, биз аввало мамлакатнинг тарихини ўрганишимиз керак.

Мураккабликни Рубик кубиги мисолида кўриш мумкин. Бир қарашда, барча майда квадратлар аралашган ҳолда, куб жуда мураккаб эканлиги аниқланди. Шунга қарамай, кубни ечиш мумкин бўлган нақш мавжуд бўлиб, унинг ҳар олти томонини бир хил рангга айлантиради. Аслида, Рубик кубик мураккаб эмас, хатто жуда хам оддий. Келинг, қоидаларни бироз ўзгартираильик. Биринчидан сиз ўзингизни дальтоник ҳисобланг, иккинчидан кубдаги ҳар бир ўзгариш учун, бошқа автоматик ва тасодифий силжишни амалга оширинг.

Мураккаблик Япония жамиятига бегона тушунча эмас. Япониядаги ҳаёт ва жамият тузулмалари иерархия, садоқат, хурмат ва маросимларнинг қатъйлиги билан чалкашиб кетган. Япония тарихи, янги ташки ва маҳаллий қадриятларни қабул қилиши билан бирга, анъанавий қадриятларини хам сақлаб қолган тарихдир.

Ҳар доим янги ва доимо япон стилида. Таълим муҳим аҳамиятга эга, аммо ўқув дастурига янги тушунчалар киритилади ва талабалар чет элда конгломерат таълимини олишади. Императорнинг мутлоқ бошқарув тузумини ғарбий услубдаги парламент элементлари тўлдиради, аммо бу парламент демократия гояси билан бир қаторда одатларни ҳам ҳисобга олади. Охир оқибат, тинчсиз жамиятнинг барча элементлари йўқ бўлиб, йиллар ўтиб, “тинчлик ва бутун инсоният хавфсизлиги”га содик бўлган ҳарбийлик тартибга хос жамиятга айланади.

Японлар Шарқ ва Ғарбнинг органик оқимига дуч келишди. Энди биз мураккаб Рубик кубикка қўшимча қатлам қўшамиз. Кубикда қилинган ҳар бир силжиш учун ҳар икки томоннинг тўққиз квадратидан бири тасодифий ўзгаради. Энди бетартиблик ушбу одатий замондан кейинги ҳолат сафсаталарни қамраб олади ва энг кичик ўзгаришлар хам радикал натижаларни беради. Япониядаги бетартиблик асосан ҳокимият учун кураш орқали кузатилган. Ҳокимиятга интилганлар оҳир-оқибат йўқ бўлиб кетадиган даҳшатли ҳарбий эволюцияни қўзгатдилар. Урушдан кейинги Япония, хориж таъсирига тушди, санарадорлик ва ривожланиш каби гояларни ўзида мужассам этди ва Япония ҳукумати томонидан каттиқ назорат остида бўлди. Сўнгги пайтларда иқтисодий устунлик ва таназзул, технологик ривожланиш ва атроф-муҳитнинг йўқ қилиниши, тинчлик ва хавфсизлиги ўртасида алоқалар таранглашмоқда.

Келинг, Рубик кубига қараб кўрайлик. Сиз қилган ҳар бир ҳаракат ортидан тасодифий ҳаракат амалга оширилади ва сиз қилган ҳар бир ҳаракат билан тасодифий квадрат рангини ўзгартириши мумкин. Кичкина квадратларнинг тасодифий ўзгариши, масалан, кубга ўнта қизил квадратни олиш имконини беради. Ушбу қарама-қаршилик ўйиннинг мақсадини бажаришга халақит беради.

Қарама-қаршиликлар урушдан кейинги парламентда яққол кўринади; бу Демократия учун энг катта муваффақиятлардан бири бўлиши керак эди.

Мамлакатда қўплаб мухолиф партиялар мавжуд бўлса ҳам, битта аниқ ҳукмрон партия – Либерал-Демократик партия (ЛДП) мавжуд эди. Ҳозирги баҳс-бу давлат хавфсизлиги ва Япония Конституциясининг доимий ҳарбий хизматни шакллантириш ва сақлашнинг олдини олиш моддасида келтирилган қатъий мандат ўртасидаги зиддиятдир.

Ҳатто бизнес дунёсида ҳам, Япониянинг капитализмга бўлган ёндошуви Ғарб бизнеси мутахассисларига зид келади. Капитализм рақобатни кучайтиради. Япон анъаналарида рақобатни ўзгача хусусият деб билишмайди. Монополия Японияда ёмон нарса қатори қабул қилинмайди, агар бирон бир корхона маълум бир бозорни бошқаришга келса, японияликлар буни ҳурмат қилади ва қолган корхоналар бошқа маслакка ўтадилар. Ички рақобат деярли мавжуд эмас. Бунинг ўрнига, Япония корхоналари глобал бозорда глобал миқиёсда бошқа корпорацияларга қарши рақобатлашади. Япония навигацияси режасининг учта элементи одатий замондан кейинги давр учун муҳим билимларни беради.

Биринчиси – бу оддийгина Япон парламенти. Император учун олимлар кенгashi сифатида бошланган нарса, Япониянинг чуқур илдиз отган маросимларини сақлаб қолиш учун курашаётган фуқаролик фикрга эга академикларнинг гуруҳига айланди; кўп овоздан ташкил топган бошқарувчи орган бўлди. Бошқа қонун чиқарувчи органлар зиддиятли жанжалларга мойил бўлсада, Парламент японияликларнинг энг кўп даражадаги овозини намойиш эта олди.

Япония одатий замондан кейинги даврнинг навигациясининг иккинчи элементи глобал онгга эга. Япония бу иккала таъсирни ҳам билади ва дунёning қолган қисмида содир бўлаётган воқеаларни унга кўрсатаётган таъсири ҳам сезади. Уларнинг сақланиб қолиниши бунга боғлиқдир.

Учинчи элемент – олдинга қарай фикрлаш. Бу жуда оддий, аммо ички ва ташқи сиёсатни мувозанатлашда ҳозирги давомий замондан ташқарига чиқиш қийин кечмоқда. Япония омон қолиш учун ўз сиёсатидан бир неча қадам олдинда юриши керак. Одатий ҳарбий кучга эга эмас мамлакат қатори, тезда йирик ҳарбий кучларга айланган ва тарихий зиддиятлари қайта тиклаган қўшни мамлакат олдида, Япония халқаро тинчлик устуворлигига аҳамият беришга мажбур. Иқтисодий курдатли давлатга айланиш халқаро бозор ва молия тўғрисидаги тасодифий тушунчани билишдан кўра қупрок нарсани талаб қиласди.

Одатий замондан кейинги давр феномени тобора равshan бўлиб борган сари, япон қарор қабул қилувчиларининг ўз давлат сиёсатини қандай шакллантиришлари ва тобора аниқланмаган глобал муҳитга мослашишлари қизиқ бўлмоқда. Тасодифан янги Рубик кубини ечиб бўлмайди, лекин ундан биз ўзимиз ҳақида ва бу сайёрада қандай юришимиз кераклиги ҳақида кўп нарсаларни билиб олишимиз мумкин.

Зиёуддин Сардар

## ҲАЁТ ВА ИШЛАР

Диний тахтларнинг ўйини

*C. Ском Жордан*

Сизнинг ўзингизни мен эса ўзимни фикримга эгаман. Токи сени ўлдиришни танлаганимгача. Биз тинч асрда яшаяпмиз деб ўйлаймиз, лекин Худо ҳамма жойдадир. Қарор қабул қилиш устидан ҳокимият Худога берилган. Нима учун ёшлар насронийлик, евангелистик оқимларига жуда кўп қўшилиб кетмоқдалар ёки Ироқ ва Шом Ислом Давлати (ИШИД) ва бошқа шу каби радикал диний экстремистик гурухларни ҳозирги кунда кенг тарқалаётганига ҳайрон бўлмоқдамиз.

Жорж Р. Мартиннинг “Олов ва музлар қўшиғи” номли китоблар сериясининг асосида яратилган, НВОнинг “Тахтлар ўйини” [1] деб номланган машҳур сериалида, ҳақиқий дунёдаги мавжуд динни ҳурмат қиласи ва ўрганади. Бу билан у бизга дунёмизнинг динларнинг ўзаро таъсирини ва уларда юзага келадиган қарама-қаршиликларни ақл билан бирлаштиришни кўрсатади.

“Ўлик ҳеч қачон ўлмайди” деб номланган эпизодида Тирион Ланнистер, Вестерос киролига топишмоқ айтади. “Бир хонада учта буюк киши, подшоҳ, рухоний ва бой одам ўтиради. Уларнинг ўртасида оддий қилич турарди. Ҳар бир буюк инсон қиличини сотишни ва бошқасини ўлдиришни таклиф қиласи. Ким яшайди? Ким ўлади?” Варис, Тирионнинг суктидан сўнг саволга ўзининг оқилона сабоғи билан жавоб беради: “Кучлар – унга ишонган одамларда бўлади. Бу девордаги соя хийласи кабидир, энг кичкина одам ҳам деворга жуда катта соя ташлай олади”.

Варис, еттита подшоҳликнинг одатий замондан кейинги ҳолатини тушунтириб берди, шунинг билан бирга ҳозирги замон дини ҳақида ҳаётий тасаввур ҳам берди. Аммо ғайриоддий бир нарса юз берди: ижтимоий тармоқлар, 24 соат янгиликлар каналлари ва тезкор мулоқотнинг бошқа шакллари туфайли кичкина одамлар энди ҳақиқатан ҳам катта, глобал, сояларни ташлайдилар.

Масалан, хурматли Фред Фелпс ва унинг Вестборо Баптист черкови (ВБЧ) деб номланувчи гурухини олайлик. Улар ҳарбий хизматчи-ларнинг дағн маросимларига ва ЛГБТ жамоаларига қарши норозилик намойишлари билан машхур. Фелп вафот этган пайтда бу черков аъзоларининг сони 40 кишига етган [2]. Фелпса нафақат Американинг балки дунё эътиборини жамлашга ҳам муваффақ бўлди ва шу тариқа улкан кучни ривожлантириди.

Флорида штатида жойлашган, Гейнесвилдаги Дов Ворлд Оутрич марказининг пастори Терри Жоунс яна бир мисол бўла олади. У кўплаган исломга қарши христианлардан бири бўлиб, бир куни Куронни ёқиб юбораман деб жар солди [3]. Сони йигирмадан ошмаган издошлари бўлган Жонснинг хатти-харакатларини алоқа технологиялари орқали тезлик билан глобал ҳодисага айланди. Жоунс Куронни ёқиб юбормади ва унинг бу харакатни амалга ошириш нияти борлиги ҳам аниқ эмас эди.

Биз бунда оддий парадигма ўзгариши эмас, балки динларда нима ва нима одатий эмаслигини тубдан қайта қуриш гувоҳи бўламиз. Одатда экстремист, том маънода ақидапараст, пуритан ва зўравон тарафдорларнинг тарқалиши кенгайиб борди: ва бу глобал миқиёсда юз берди.

Ажабланарлиси шундаки, биз доимо виртуал жамиятлар билан алоқада бўлиб турамиз, ҳақиқий жамиятлар деярли йўқ бўлиб кетишиди. Бир-бирлари билан юзма-юз сухбатлашиш ўрнига, одамлар тобора кўпроқ смс, Фейсбуқ, Твиттер ва бошқа ижтимоий медиа платформалари орқали мулокот қилишни афзал кўришмоқда. Ёшлар тобора бегоналашмоқда. Маънога эга бўлмаган асрда улар ўзларининг кўпроқ бегоналаштирилган ва ноаниқ ҳаётларидан маъно изламоқдалар.

Сўнгги сарлавҳалар “Исломий давлат” сафига қўшилаётган ёшлар билан тўлдирилган. Бу кўп юз берган ҳодисадир. Бу глобал миқиёсадир. Бу бизнинг одатий замондан кейинги давримизнинг ўзига хос маҳсулидир, бу ерда одамлар онгидаги Худони ўрнини фақат бир қизиқарли нарса билан тўлдириш мумкин.

